

ТОНГЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 54 (6796)
1997 йил, 16 июль, чоршанба

Сотувда эркин
нархда



расида уз феъли, уз дунёси бор. У чиройли сузлайди, рақслар ижро этганида-ку, беихтиёр бу қизда қандайдир бир истейдод бор, дейсиз.

Нигора Эркаева Ангрен шаҳар 5-урта мактабнинг 7-синф укучиси.

Ёзги таътилда ҳамма дам олиб, оромгоҳларда мириқиб юрса, у меҳмонга боришни ҳам, оромгоҳларда дам олишни ҳам ўйламайди.

бир ҳазил шеърни ёдимга олдим.

— Гуллар ҳам йиғлайди-ми?

— Ҳа, баргини узсангиз.

— Қушлар ҳам йиғлайди-ми?

— Ҳа, уясини бузсангиз.

Балки Нигора ҳақдир. Табиатга озор бериш унинг юрагини юлқиб олишдек

Таътил қандай ўтяти, болалик?



Дам олиш оромгоҳлари бугун шух-шодон, қувноқ болажонлар билан тула. Марғилондаги ипакчилик фабрикаси ишчи ходимларининг фарзандлари ҳам энг гузал, баҳаво маскан — Шоҳимардонда ҳордиқ чиқармоқдалар.

«Ипакчи» деб ном олган бу оромгоҳга 20 йилдан буён Жанна Эргашевна Қодирова бошчилик қилиб келмоқда. Оромгоҳ 13 гектар майдонга жойлашган

ШОҲИМАРДОНДА ЗЕРИКИШ МУМКИНИ

булиб, дарслардан бир оз толиққан болажонларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайе. Бунинг оромгоҳда дам олаётган 400 нафардан зиёд ширинтойлар тасдиқлаб туришибди. Оромгоҳни айланиб чиқар эканмиз, бизга Жанна Эргашевна озиқ-овқатларни вақтида етказиб бериб турган Марғилон ипакчилик фабрикасининг касаба уюшмаси қумитаси ходимларидан миннатдор булиб гапирдилар. Бу ерда бир-бирдан ширинсуз тарбиячилар атайлаб танлаб олингандай. Болажонларнинг Муҳаббат Дилфуза, Гулчехраю Шаҳноза опалари турли кечалар, ажойиб тадбирлар уюштириб болаларни зериктириб қўймасликка ҳаракат қиладилар. Шоҳимардоннинг муқаддас ва азиз зиёратгоҳ жойларига томошага чиқиб, буюк бобокалонларимиз утган қадимжолар тарихи билан ҳам яқиндан таништиришади. Ҳақиқатан ҳам болажон тарбиячилар бағрида дам олаётган угил-қизлар қайдан ҳам зерикишсин...

Нилуфар ДАВИДОВА.

ГУЛЛАРДА ЮРАК ЯШАЙДИ

Тунда Миттивойнинг ширин уйкусини тоқчада турган гулларнинг шивир-шивири бузди. — Ойижон, сувсизликдан олиб боряпман, бизга ёрдам бера оладиган бир мард бормикан», — дерди катта гулдондаги гулга кичиги. Миттивойнинг юраги эзилди. Наҳотки гуллар ҳам сузласа, наҳотки гулларнинг ҳам ўз дарди, ўз олами бўлса...

Шу кундан эътиборан Миттивой гулларга меҳр қўйди, сув қўйди, тағларини юмшатди.

Мен Нигора билан суҳбат қурганимда Миттивойни эсладим.

Нигоранинг кўзлари қулиб туради. Уртоқлари дав-

Чунки узининг уйда яратган «Ботаника» боғи бор. Гуе у у ёққа кетса, гуллари қуриб қоладигандай. Шу сабаб Нигора гуллар билан суҳбат қуриб, уларга қарашдан чарчамайди. Ахир гуллар унинг ижод маҳсули-ку.

Уйларига келганлар унинг гулларга меҳри баландлигини кўриб раҳматлар айтишади.

— Гулларингдан уртоқларингга ҳам берасанми? — деб сўрасам, у соддалик билан: «Ким берган гулимни хафа қилмаса, бераман», — дейди. Ҳа, шу тобда мен болалик давримда ўқиган

бир гап. Уз вақтини гузалликка сарфлаб, уз уйда муъжиза яратаётган тенгдошингиз ҳозир 100 дан ортиқ гулларни парвариш қилмоқда. Унинг гуллар ҳақида ҳам ўз дунёси бор. Кактус Нигоранинг айтишича, «қоровул» эмиш. Унинг энг севимли гули Пальма экан. — «Алоэ ҳам яхши-ку, лекин ойим бу гул ҳақида бир куни қаердан катта булиб ушиб кетса, эгасини еб қўяр эмиш...» деган гап топиб келдилар-да, катта булиб ушиб ётган алоэ гулимни кучага чиқариб ташладилар, — дейди, — ушанда

роса йиғлаганман. Гулларимни мен ҳаммадан қизғонаман. Уйимизда тўйлар бўлса, мен уларни бир уйда сақлайман. Чунки туполонда болалар синдириб қетишлари мумкин.

Оламни безатаётган ҳар бир гулда юрак яшайди. Бу юраклар шу қадар ҳарир, шу қадар нозик, сал қўполлик қилсангиз, тукилгудек... Узининг гузал ҳиссиётлари, шаффоф меҳри билан гуллар дунёсига кириб борган Нигорага ҳавасимиз келди. Қанийди, барча жажжи юракларда табиатнинг жавҳари бўлган яшиллик дунёсига меҳр, муҳаббат, эътиқод шундай баланд бўлса.

Маъмура МАДРАҲИМОВА.

МУЗҚАЙМОҚНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Азиз болажонлар! Ҳамиша тотли, иштахангизни очиб юборадиган музқаймоқнинг баҳоси нега турлича: баъзи жойларда юқори нархда, баъзан уртача баҳода ва гоҳо сиз истаганингиздек нархда булишини уйлаб курганмисиз? Ёки арзонроқ сотаётган «амаки» ёки «опа» ёқимтой куришиб катта нархда сотаётгани сизнинг кузингизга баджаҳл куринадимми?

Хуш, уларнинг жаҳлини кузгатадиган нарса нима?

Албатта, гап фойданинг устида бораётир. Тижоратчи амакилар хизмат пайтида асло фойда уйламасдан тура олмайдилар. Зарар курганлар

эса банкротга учраши — синиши мумкин.

Сарф-харажатлар иложи борича камроқ, маҳсулот (бу ерда музқаймоқ) мазали бўлсагина харидорлар унинг олдидан кета олмай қоладилар. Қараб-сизки, фойда ҳам ортса ортадики, камаймайди.

Агар уша «амаки» музқаймоқ харидорларига қимматроқ нархда яна мазаси камроқ маҳсулотини сотишни эп қуриб, фақат йирик фойда ҳақида хаёл сураётган экан, албатта янглишади. Харидорлар тобора камаяди, бу маҳсулот сифати ҳам ўзгаради. Сотилмай қолган маҳсу-

лот албатта арзон нархда пулланади. Демак, бу ҳолда фойдадан кура зарар кўпроқ булади.


Шунинг учун ҳам нарх ва баҳо харидорларга маъқул булиши маҳсулотнинг сифати ҳам ушанга ярашиқли, арзирли бўлсагина муаммо уз ечимини топади.

Айтингчи, болажонлар, музқаймоқни қасрда арзонга сотиб олиш мумкин?

Албатта, музқаймоқ цехидан харид этилгани арзонга тушади. Кейин қўлма-қўл булиб у

ердан бу ерга олиб келинса, нархлар тобора ошиб бораверади. Ахир, бу уринда «амаки-жонлар» уз хизмат ҳақларини ҳам унутмай устама нарх қўядилар-да.

Насиба ОЧИЛОВА.



ОНАМНИНГ ОФИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛОЛМАДИМ

Кучаларда оғир сумкалар кутариб бозордан келаётган аёлларни кўрсам, онам куз олдимга келиб, йиғлагим келади.

Эсиз, тезроқ катта булиб, онамнинг оғирини енгил қила олмадим-да. Энди катта булганимда эса ҳаммасига кечикдим. Йўқ, ҳозир ҳам

ришта буларди. Биз чой ичиб булганимиздан кейин мени, онамни, укамни сумкамизга нон, туршак солиб, мактабга жунатардилар, узлари эса ик-

гир соғаяптилар. Қарасам, кузлари кукариб, пешоналари гурра булиб чиқибди. Тушундим. Бу дадамнинг иши. Дадамнинг кеча маош оладиган

нинг зиммаларида эди.

Бир куни онам иккимиз убу сотиб олиш учун бозорга бордик. Кун жуда иссиқ эди. Онамнинг қулларида 20 ки-

чилиб кетди. Онам ҳушсиз ҳолда бошлари билан ерга куладилар. Кейин духтирларнинг айтишича, бошларига қон қуйилган экан...

Хурматли, «Тонг юлдузи!» Ушбу воқеага ҳам 9 йил булибди. Мана, мен ҳам бу йил 10-синфни тамомладим. Кейинги йил мактаб билан

Қабутар қанотидаги мактублар

фойдам тегади. Укам, синглиларим бор, онам турмушга чиққан, иккита фарзанди бор. Фақат мени мудом қийнайдиган нарса—мурувват курсата олмаганим. Онажонимни шундай қўмсайман, шундай соғинаманки, қани энди бунинг иложи булса...

Хабарингиз бор, қишлоқда одамлар жуда эрта уйғонишади. Аниқ эсимда, менинг онам ҳам тонг қоронгусида турардилар. Иккита сигиримиз буларди. Уларни соғиб, қорнини туйдириб, бизга сут ёки ширгуруч пишириб нонушта тайерлардилар. Дадам ва бизни уйқудан уйготганларида ҳовлимиз сув сепаб супурилган, ҳамма ёқ саранжом-са-

ки синглимнинг қулларидан ушлаб, кенжатоимиз Марғубани кутариб, бошларига нон солинган тугунни кутариб далага кетардилар. Ҳозир менга аёл кишининг жони 40 та булади, десалар ишонаман. Онам колхозда энг илғор теримчи ҳисобланардилар. Соат кечки 5-6 гача 100-120 кг.дан пахта териб қайтишда зилзамбил этакдаги утни бошга кутариб келардилар. Дадам жуда бемехр одам эдилар. Онамнинг қийналиб, терга ботиб келаётганларини куриб, бошларидан утни олиб қўямас эдилар. Бир куни эрталаб турсам, онам йиғлаб си-

кунлари эди. Биз, олти норасида дадамни кутиб-кутиб ухлаб қолган эдик. Дадам ичиб келиб онамни урганлар. Бунақа ҳолатлар жуда кўп буларди. Арзимаган нарсаларни баҳона қилиб, қўлига нима турри келса, айлантириб туширардилар. Онам қуллари билан оғзиларини беркитиб йиғлаганларида дадамни ёмон куриб кетардим. Катта булсам, онамнинг учини оламан, дея қасам ичардим. Уй юмушлари, дала ишларидан ташқари, бозор-учар қилиш ҳам онам-

лограмдан ошиқ картошка, сабзи, пиёз бор эди. Мен ҳозир сотиб олган супургимизни кутариб олганман. Автобусдан тушгандан кейин ҳам уйимизгача 10 чақиримдан ортиқ йўл босишимиз керак эди. Яқинроқ булиш учун биз энг яқин йўл—жин кучани танладик. Мен ҳам, онам ҳам терга ботиб кетганмиз, Тухтаб-тухтаб дам олган булиб кетямиз. Мен онамдан икки қадамча орқадаман. Бирдан, онамнинг елкасидан қоп ерга тушиб, картошка-пиёзлар со-

хайрлашаман. Насиб этса, бир куни менинг ҳам оилам булади, болаларим булади. Лекин ҳеч қачон мен оғир юкни оилам, бола-чақам елкасига юклаб қўймайман. Мен фақат бир нарсдан — тезроқ катта булиб онамнинг оғирини енгил қила олмаганимдан пушаймондаман, холос. Онаси борларга ҳавасим келади. Бироқ қулларида оғир юк билан келаётган оналарни курсам, онам эсимга тушиб, кузолдим қоронгулашади. Дарров қулларига ёпишаман. Уйига олиб бориб берганимдан кейин енгил тортаман.

**Сардор НАЗАРҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти,
Яккабоғ тумани.**



Хурматли «Тонг юлдузи» газетаси ижодкорлари.

Очигини айтмай, бу мактубни сизларга кузларимда ёш билан ёзаяпман. Биз оилада уч фарзанд: икки уғилу бир қиз эдик. Мен куйлак тикишга, укам Адҳам китоб, газета-журналларни қолдирмай уқиб боришга, кенжатоимиз Қобил футбол уйнашга қизиқарди. Бундан икки йил олдин Адҳам бизни бу дунёга ташлаб кетди. Бизлар билан мангуга хайрлашди. Билмадим, биз унга бефарқроқ булдикми, ёки пешонасига ёзилган эканми, билмадим... У қушларни жуда ҳам яхши куради. Ҳатто қушларнинг тилига ҳам

ҳамжон гавдаланаверади. Биз 9 қаватли бинонинг 9-қаватида яшардик. Бир куни укам Адҳамжон дадамдан йиққан пулларига уч дона каптар сотиб олди. Уларни қўлга ургатиб, қушларнинг тилларига анчагина тушуниб ҳам олди... У тўққизинчи қаватнинг бал-

Адҳам одатдагидек кун пешинга келгунича китоб уқиди. Кейин бирдан сакраб туриб балконга чиқди. Хуштак чалиб қушларини чақирди. Негадир, икки марта чақир-

эди. Унча аҳамият бермадим. Балки уйга кириб кетгандир, деб уйладим. Бамайлихотир балкондан пастга қарар эканман, кузларимга ишонмадим. Ерда, жуда олисда Адҳам ҳаво

линтириб утиришгани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Адҳам уша куни «Тонг юлдузи» газетасида чоп этилган отлар ҳақидаги мақолани менга уқиб берганди. Ва «Агар ҳовлимиз булганидами, албатта от сотиб олган булардим», деган эди. Укамнинг шу ҳолати ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Унинг шу гапи ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди.

Хурматли редакция. Мен бу хатни газетангизда чоп этинг, деб юбораётганим йўқ. Биламан, бу мақолани қушларга меҳрсизлик деб, утказишмаса керак. Лекин битта илтимосим бор. Ота-оналар уз болаларига куз-қулоқ булиб туришсин. Чунки сунги пушаймондан оғири йўқ экан бу дунёда. Мен «Тонг

ЖОНИНИ ҚУШГА АЙЛАНТИРГАН УКАЖОНИМ

конидан хуштак чалиб чақирадиган булса, каптарлар зумда пайдо булиб, Адҳамнинг елкасига, қулларига қунарди.

ганда келадиган қушлар ҳа деганда келавермади. Адҳам бетоқат булиб сиқила бошлади. Бирдан ошхонада турган

ранг куйлагида ер билан битта булиб ётарди. Чинқириб юбордим. Унинг олдида кимлардир югуриб келишадиган

Узингиз хулоса чиқарингиз

тушуниб қолган эди. Ҳеч эшитганмисиз, кексалар каптарни беҳосият қуш, дейишганини. Уйимизда булган бир воқеадан сунг мен ҳам шу гапга ишониб қолдим. Агар кучаларда шу қушни курайдиган булсам, титраб кетаман. Куз олдимда жонини қушларга алмаштирган укажоним Ад-

Биз Қосим иккаламиз бу ҳолни томоша қилиб маза қилардик. Каптарлар билан Адҳамнинг бу томошаларидан ҳечам зерикмасдик. Кучадан уртоқларимиз ҳам томоша қилишарди.

Аммо бир куни... Мен уша машъум кунни эсласам, юрагим увушиб кетади. Уша кун 1995 йилнинг 14 ноябри эди.

стулни балконга олиб чиқиб кетаётганлигини куриб қолдим.

— Нима қиласан стулни? — дедим шоша-пиша. У эса ҳозир олиб келаман, деди. Негадир юрагим ғаш булаверди. Кунглимга ҳеч нарса сўймай, балконга чиқдим. Ҳеч фурсат утгани йўқ... Балконда стул турибди-ю, укамдан дарак йўқ

эди. Қандай қилиб пастга тушиб борганимни эслай олмаман. Энг ёмони, ойим Самарқандга қариндошларимизнинг уйига кетган эдилар. Улар Адҳамни чиқараётган пайтимизда етиб келишди. Ҳаммасидан ҳам укамни олиб чиқиб кетишадиганида каптарларнинг балкон раҳига тизилишиб, бошларини қуйи со-

юлдузи»нинг яқин сонларидан бирида Гузал исмли қизнинг «Узимизнинг Малла» деган мақоласини уқиган эдим. Бу воқеани сизларга ёзишга шу мақола, қолаверса, севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «боғлаб қўйган эмас, болаларни ҳам» деган сатрлари булди.

Насиба АСАДУЛЛАЕВА.

Эндигина тили чиққан гудак боғча опаси ёки ойиси ёрдамида илк бор шу шеърни ёд олса ажабмас.

Олманиям
Ғажийман
Ҳолваниям
Ғажийман.
— Узи нечта
Тишинг бор?
— Туре, сени нима
Ишинг бор.

(«Уч ёшлилар»)

Сал эсини танигач эса уйинқароқ болакай анча-мунча айёр, қитмир була бош-

Чиқиб қолса
Ғаламис,
Аямасдан
Соламиз.

(«Битта кучаданмиз»)

Ҳақиқий шоирнинг шеърляти ҳам шиддат билан оқайтган сойга ухшайди, у йулини йўқотмаслиги, шафқатсиз кум барханлари бағрига сингиб кетмаслиги, узанини топиб, дарёга қуйилиши керак. Чинакам шеърлятигина

Чунки боланинг беғубор қалби рост ва ёлгонни тез илғайди. Уни ҳамма нарса қизиқтиради. Табиатнинг ҳар бир ҳодисасига унинг уз қарашы, уз мулоҳазасы бор.

Нега ёмғир
Ёғади?
Тоғ булутни
Соғади.

(«Говмиш булутлар»)

Баҳс ва мунозаралар орқали бола тафаккури бойийди.

Қурган кемага.

(«Билагон»)

Анвар Обиджон асосий эътиборни боланинг шахс сифатида унинг комил инсон булиб юксалиб боришига қаратади. Ниҳоятда жиддий фикрларга эртакона оҳанг, енгил табассум сирлилики бахш этиши орқали дидактика шоир қаламида болаларга муҳаббат билан ёғдуланади. Натижада бола қалбида уз юрти, элаъмолидан фахрланиш; уни

Сиз кутган учрашув

Усти ялпоғим.
Буни қирғиз
Дустимга
Алмашганман
Дуппимга.

(«Эсдалик»)

Анвар Обиджон янги усуллар, тузилмалар қидиришга зеб бермайди. Аксинча, анъанавий вазн, ҳолат ва ҳаракат орқали бола идрокига таъсир қилади. Фалсафий теранлик, уткир мантиқ гузал санъат маҳсули булмиш муъжазу муъжиза шеърлар ниҳоятда нурафшон ва қудратли. У болакайни сўзсиз қалб озодлигига олиб чиқади. Анвар Обиджон қайси жанрга қул урмасин, улкан истеъдоддан оловланаётган болажон адибнинг серилҳом жушқин нафаси сезилиб туради. Уттиз йиллик баракали ижод шоирнинг узи учун ҳам жиддий сабоқ вази-фасини бажаради. Оқибатда давр синовларига дош бера оладиган ҳар қандай шароитда болага қанот бағишлайдиган, уни курашларга тайёрлайдиган серзавқ шеърлят туғилди. Чунки шоир фақат келажакка уткир нигоҳ ташлаб, замон ва адабиёт унга юклаган масъулиятни чуқур ҳис этса, руй бераётган ҳодисаларга узини даҳлдор, улғаяётган ёш авлод камолоти учун жавобгар сезсагина миллатнинг чинакам мададкорига айланади. Муъжазу муъжиза шеърларни бетухтов битаетган кичик болаларнинг улкан дусты — фавқулодда ноёб шоир — Анвар Обиджон — миллатимизнинг ана шундай чинакам мададкоридир.

Хулкар ХАМРОЕВА.

МУЪЖАЗУ МУЪЖИЗА ШЕЪР УФОРИ



лайди:

Чупиллатиб
Жажжи лабин
Шоколадга
Деди Наби:
— Туре, секин очай
Қоғозингни
Чиқармай тур
Овозингни.

Болалиги мураккаб утиш даврига туғри келган туполончиларнинг худди шу ёшда уз ёри англаб етмаган ҳолда гурур ва ориятлари шаклланиб боради:

Ҳаммамиз зур
Боламиз.
Уртада йўқ
Ғаламис,

аввал дарёга, кейин денгизга қушилиши шу тариқа жажжи ва улкан кунтилга қуйилиши, уз кучига ишонч туйғуларини уйғотиши мумкин ва керак.

Анвар Обиджон шеърлятининг зурлиги шундаки, унда болаларнинг меъдасига теккан зерикарли уғитлар, қуруқ панд-насихатлар йўқ. Юзаки қараганда ҳажман кичик, анъанавий усулда ёзилган шеърнинг мақсади катта: у болани ҳеч нарсага мажбур қилмайди. Аксинча оригинал ташбеҳлар, қизиқарли сўз уйинлари орқали фикрлашга ургатади.

У узи излаган ҳақиқатни топади. Болалар билан суҳбатлашиш санъати эса ҳақиқий тарбия учун жуда муҳим. Бунинг учун шоир аввало бола англайдиган, қабул қиладиган ва тушунадиган сўзда сўзлашиши керак. Болалар адабиётининг ҳалол танқидчилари эса кичкинтойларнинг узлари. Шунинг учун болага фақат ургатиш эмас, балки уз навбатда ундан урганиш ҳам керак.

Шунча денгиз океан
Керак нимага?
Бу йуларни одамлар

Кўнғирок

АЛДАМАНГ, АМАКИ ЖОН

— Мали, Мали, юр кучага чиқиб уйнаймиз.

— Бўпти, Назо! Хола-касимми? Қўғирчоқларимни олволай. Ман опаси, сан адаси буласан...

Малика билан Назокат кучага чиқишди. Уларнинг қулида қўғирчоқ, ҳар хил даятта-путталар, идиш товоқлар бор эди. Идишлар ичига сув, гилос, бир бурда нон солиб, ёлгондакасига овқат пиширишар ва «олинг-олинг»лашиб меҳмон-меҳмон уйнашарди. Йул четдаги сув оқмайдиған ариқча уларга уйча булди. Бу қизалоқлар эндигина беш ёш булсаларда, узларини катталардек тутишар, уйларида қурган, эшитган нарсаларини, бор маҳорат билан такрорлашарди. Қизалоқларнинг уйинларини бир четда кузатиб турган бир амаки улар олдиға яқинлашди ва:

— «Салом, қизалоқлар. Мен ҳам уйнасам майлими» — деди.

Қизчалар бир-бирига қараб олиб, — «Майли, фақат сиз дадаси буласиз», — дейишиб қиқир-қиқир кулишди.

Амаки эса қизалоқларни осонгина илтирганини

(Бўлган воқеа)

уйлаб, у ёқ-бу ёққа ҳадиксираб назар ташлади. У қизчаларнинг барча шартларини бажарар ва иложи борича узини қувноқ тутарди. Шунда Назокат: — Амаки, энди сиз бозорга бориб келасиз, — деди. Амаки ишни осонгина кучанидан хурсанд булиб кетди. Дарров куна қолди.

— Бозорга бирор нарса олиб бориш керак-да, менда эса ҳеч нарса йўқ. Сиз зирақларингизни ечиб беринг, «Ширибом» ва «Хурозқанд» олиб келаман, — деди ва ҳеч иккиланмай уларнинг қулоғидаги зирақларини ечиб олди.

— Мен ҳозир келаман, сизлар ҳеч қайсизга кетмай утиринглар.

Офтоб аста-секин қизалоқлар утирган жойга тушди. Улар қизиб, исиб кетса ҳам, амакининг йулини пойлашди. Аммо амакидан дарак булмади.

— Мали-и, мен кетаман уйга, уйқум келаяпти, — дея йиғлаб юборди Назокат. Малика ҳам овозини баралла қуйиб Назокатга қушилиб йиғлай бошлади. Уй юмушлари билан овора булиб, қизалоқларига қаролмаган оналар югуриб чиқишди. Не куз би-

лан қуришсинки, қизлари офтобда қизариб, чирқираб йиғлаяпти. Оналар қурқиб кетишди. У бу нарса чақиб олган булса-я, деган ҳадикда югуриб бордилар.

Шунда Малика: «Амаким «Ширибом» олиб келаман деб зирагимизни олиб кетдилар. «Ширибом», «Ширибом» чайнагим келаяпти, ойижоң, — деди.

— Ойи, хурозқанд олиб беринг, — деди Назокат.


Оналар қизларини зирак учун эмас, «Ширибом» ва «Хурозқанд» учун йиғлаётганини билиб, лабларини тишлашди.

— «Худога шукр, амакинг инсофли уғри экан, фақат зирагингни ечиб олибди. Юлиб-нетиб ёки узларингни уғирлаб кетганида нима қилардик, — деди Маликанинг ойиси.

«Алдагани бола яхши-да, қушни, яқиндагина қулогини тешувдик, тилла зираги насиб қилмабди. Майли, бош қуздан садақа».

Уша кундан буён Малика ва Назокат «хола-холакам» уйнашса, бегона амакиларни уйинларига қўшмайдиған булишди.

Гўзал ОТАЖОНОВА.



Бу қизалоқни алдаб бўладими-а?

Бир пайтлар бир қишлоқда,
Яшар экан бир боғбон.
Боғида йўқ меванинг,
Ўзи йўқ экан, ишон.
Бўлар экан боғбоннинг,
Учта ўғли — ишончи.
Ўздан сўнг оламда,
Қолар изи-қувончи.
Боғда ўтибди умри,
Боғда чарчаб толибди.
Ниҳоят боғбон чолнинг,
Умри тугаб қолибди.
Чақириб болаларин,
— Чироқларим — дебди у.
— Сизга мерос тарқатай,

Оғир кун ўғилларга,
Ўнта-ўнтадан бергин.
Ўттиз данак учовин,
Ўттиз гамдан қутқазар.
Ким данакни хор қилса,
Ўша яна ютқизар».
Аммо ўқибди кенжа,
Хафа бўлиб отадан.
Йиғлабди данакларни,
Олатуриб халтадан.
Унисига катта боғ,
Бериб хурсанд қилди-ю.
Бунисига кичик боғ,
Бериб хурсанд қилди-ю.
Фақат менга келганда,
Одатин қилди канда.
Демак отамиз мени,
Ёмон кўрар экан-да?
Шундай қилиб, боғбонни,
Кузатиб сўнги йўлга.
Ўғиллар уйга қайтди,
Ҳар нени туғиб дилга.
Катта деди: «Боғ катта,
Ўзи униб ўсади.
Қарамаганимда ҳам,
Ҳаммаёқни тўсади».
Кичик деди: «Кичик боғ,
Катта бўлаверади.
Қарамасам ҳам шарбат,
Болга тўлаверади».

Оз-моз хабари борлар.
Охир кенжа данакни,
Пуллаб уйга қайтибди.
Бир даста пул бўлганин,
Онасига айтибди.
Она бебош ўғилдан,
Аҳвол сўрамабди ҳам.
Данак сотиб келтирган,
Пулга қарамабди ҳам.
Кенжа тошган пулига,
Уч-тўртми йил яшабди.
Сўнгра чора тополмай,
Пешонасин қашлабди.
Бир кун она қошига,
Катта ўғли келибди.
Келиб ўз аҳволдан,
Роса ҳасрат қилибди.
Йиғлаб дебди: «Катта боғ,
Бошимга бало бўлди.
Қари экан дарахтлар,
Куриди, адо бўлди».
Она ўғлини гапга,
Солиб ҳам ўтирмабди.
Қарамадинг, боққа деб,
Нолиб ҳам ўтирмабди.
Қиш келмай, кичик ўғли,
Ўтин кунда қилибди.
Кичик боғ тугаганин,
Она шунда билибди.
Қиш келиб, боғлар ўрнин,

Отанг шўрлик сўнги кун,
Бир халта берган эди.
Сенларни лоқайдлигинг,
Олдиндан билган эди.
Мана шу халтачада,
Ўттизта данак бордир.
Ундан отангнинг руҳи,
Огоҳдир, хабардордир.
Улардан ҳар қайсинга,
Ўнта-ўнта бераман.
Ҳар баҳорда ниҳолни,
Санаб-санаб кўраман.
Мана ўша ўн данак,
Ўн минг гамдан қутқазар.
Кимки бепарво бўлса,
У умрбод ютқазар».
Она қолган данакни,
Икки бўлак қилибди.
Эртасига тонг сахар,
Кичик ўғил келибди.
Она ўн данак бериб,
«Тўхта, гапим бор», дебди.
«Энг нодир боғ, кичик боғ,
Йўқолди, хор-зор», дебди.
«Кичик деб қарамадинг,
Маломат тошин отдинг.
Шундай қилиб энг ноёб,
Уруғларни йўқотдинг.
Мана шу ўнта данак,

Шовуллаган яшиллик,
Шодлик яшар, бахт яшар.
Ўн данакдан, минг данак,
Яратганлар хуррамдир.
Ўн боғдан, мингта боғ,
Яратган муҳтарамдир.
Кенжатоғ келиб олдин,
Ўтган кунларни эслаб.
Бошини қуйи солди,
Она билди кенжа ҳам.
Қаттиқ адашди йўлда,
Йўқотишларин эслаб,
Не кечмоқда ёш дилда.
Уч далада, уч жойда,
Уч ўғил иш бошлашди.
Учта боғ, боғ бўлса ҳам,
Боғи беҳишт бошлашди.
Тоғлар бўлсинлар баланд,
Юлдуз билан сирлашган.
Боғларки она юртнинг,
Томири-ла бирлашган.
Ҳар кимсада боғ бўлсин,
Яйра шу кулиш учун.
Олис-олис кетса ҳам,
Соғиниб келиш учун.
Боғбоннинг учта ўғли,
Учта синовдан ўтди.
Йўқчилик йўлидаги,



Бир данакда бир боғ бор

Едгорлик бўлсин мангу.
Катталарингга майли,
Катта боғ мерос бўлсин.
Ундан кичикларингга,
Кичик боғ мерос бўлсин.
Кенжаларингга атаб,
Бир боғ яратмоқчийдим.
ЕТТИ ИКЛИМНИ УНГА,
Ҳайрон қаратмоқчийдим.
У боғни яратингга,
Афсус, умр етмади.
Ҳар қалай данак йиғдим,
Меҳнат зое кетмади.
Кенжам—дебди,—ўқсинма,
Қоплар тўла данак бор.
Сенга шунча ҳазина,
Данакки — сен бахтиёр.
Аммо ўша чоғда ҳам,
Боғбон чол, меҳрибон чол.
Кампирини чақириб,
Дебди: «Мана бунин ол.
Мана бу халтачада,
Уч хил данак бор кўргин.

Кенжа эса шаройт,
Томон секин бўйлади.
Аввал ҳамма данакни,
Сотсамми — деб ўйлади.
Эрта тонгда юраги,
Тўлиб андуҳ-озорга.
Данакларни кўтариб,
Йўл бошлади бозорга.
Ғала-ғовур бозорда,
Бир зум гангиб қолибди.
Уруғлар растасининг,
Четидан жой олибди.
Қопин очайин деса,
Қалтирар эмиш қўли.
Қайтгин дея имлармиш,
Бозорга келган йўли.
Қопини очган экан,
Урабди кўп халойиқ.
Кимдир дебди: «Бойлик бу,
Фақат олтинга лойиқ».
Данакни ҳар хил пулга,
Сўрабди харидорлар.
Боғбонлик юмушидан,

Қалин қорлар қоплабди.
Учта ўғлини очлик,
Азобида тоблабди.
Улар яна онанинг,
Олдида жам бўлибди.
Айтолмайин гапларин,
Бошлари ҳам бўлибди.
Она дебди: «Учовинг,
Учта кунда келинлар.
Оталаринг меросин,
Сўнгисини олинлар.
Она жами данакни,
Уч қисмга бўлибди.
Эртаси сахар мардон,
Тўнғич ўғил келибди.
«Ўғлим, отангдан мерос,
Сенга катта боғ эди.
У сенга текканидан,
Кўнглим менинг чоғ эди.
Боғдан ҳар гал ўтганда,
Жигарларим қоврилди.
Отангдан қолган катта
Бойлик кўкка соврилди.



Ўн минг гамдан қутқазар.
Ким унга бепарводир,
У умрбод ютқазар.
Ютқазсанг у кулфатдан,
Қутқазувчи коринг йўқ.
Сени шу ўн данакдан,
Ўзга халоскоринг йўқ.
Билсанг, ҳар бир данакда,
Биттадан дарахт яшар.

Қордан, қировдан ўтди.
Улар энди тушунди,
Данакларда боғ бордир.
Боғи борнинг кўксиди,
Мағрур-мағрур тоғ бордир.
Билишди ҳар данакда,
Биттадан дарахт яшар.
Шовуллаган яшиллик,
Шодлик яшар, бахт яшар.
Зулфия МҮМИНОВА.

МАЙМУНЛАР
Бундан 35—40 йиллар бурун бир воқеа содир булган экан. Иккита инглиз отлик полициячи маймунлар галасига дуч келиб, уларни овлай бошлаган. Маймунлар милтиқ овозидан қурқиб қочган, лекин бир маймун бошқалардан кура секинроқ қочганидиган уни ушлаб олишган. Не куз билан куришсинки, маймунлар кетидан турт оқлаб қочган маймун бўлмай, 12-14 ешлар чамасидаги бир ҳабаш бола экан. Бола сузлашни мутлақо билмаган ва фақат маймунлар сингаримо-ишоралар қилган. Овчи-

лардан бири болани отга миндириб, руҳий хасталиклар касалхонасига олиб бориб топширган. Бола соғлом булганлиги учун уни тез кунда касалхонадан олиб чиқариб, бир деҳқонга хизматкор қилиб берганлар. Унга Лука деб ном берганлар ва у «маймун бола» лақаби билан шуҳратланиб кетган. Улғайиб-воёга етгач, инглиз тилини урганган.
Бирмунча вақтдан кейин Жанубий Африкада яшовчи профессор Раймонд Дард бу кишини келиб кўрган. У маймунлар орасида яшаганлиги тасдиқлан-

ган. Шу билан бирга, унинг жусса тузилиши худди маймунларникига ухшаб қолган. У кийимини ечиб, турт оқлаб қандай чопганлигини курсатмоқчи булганида кураги худди маймунларникига ухшаб, олдинга туртиб чиққан, елкаси мушакдорлиги билан ажрალიб турган, бели жуда бақувват булган.
Лука узининг маймунлар галасида яшаганлигини қуйидагича ҳикоя қилиб берган.
«Мен маймунлар орасидаги ҳаётимдан оз нарсани эслай оламан. Овқатим асосан чиги-

Ҳар тўғрида
рткалар, туяқуш тухуми ва ёввойи асалариларнинг асали бўлди. Тухум ва асал угирлашимдан доим туяқуш ва асалариларнинг таъқибида яшардим. Туяқушлар роса чуқирди, қаноти билан урарди, асаларилар эса чақиб жонимни оларди».
Афтидан, бола чақалоқлик вақтида онаси уни вақтинча далада қолдирган. Шу вақтда бо-

БОЛА
ланинг олдида утган маймунлар уни олиб кетган ва бола қилиб боққан.



<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА Таҳрир хайъати: Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРФИЗБОЕВ, Дадаҳон ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.</p>	<p>ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Булортма — Г-0447. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингга тошириш вақти 19.00. Тоширилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир М.Мадраҳимова.</p>	<p>• Руйхатдан утин тартиби № 000137 • Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй. • Нашр курсаткичи: № 64563 • Телефон: 33-44-25</p>
---	--	---	--